

**Л.Т. Ибрагимова,
катта ўқитувчи,
А. Абдурахманов, ТДИУ**

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ВА ЁШЛАР

Значимость развития инновационной экономики, и, как важность места молодежи, вместе с понятием инновации, а также учитывая внимание к этой области в нашей стране описаны в целом в этой статье. Кроме того, актуальные вопросы в лице молодежи, которая, связанные с претворять в жизнь инновационных идей также принес в этой статье.

The significance of development of innovation economics, and how the importance of the place of youth is, together with the notion of innovation as well as given attention to this field in our country are described broadly in this article. Moreover, burning issues in the face of youth which related to put into practice innovation ideas are also brought in this article.

Калитли сўзлар: инновация, инновацион иқтисодиёт, технология.

Ҳозирги вақтда инновацион иқтисодиёт ҳар бир мамлакатда алоҳида ўзига хос ўринга эга бўлган ҳолда ўша мамлакатнинг иқтисодиётини юксалтириши ва ўз навбатида бу мамлакатни жаҳон ҳамжамиятида алоҳида юқори ўринни эгаллаши учун хизмат қилади деган фикрни кўркмай ўртага ташлашимиз ва таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Агарда биз “Инновацион иқтисодиёт ва ёшлар” мавзусига тўхталар эканмиз, биз авваламбор “инновация” тушунчасига эътибор қаратишимиз лозимдир. Ҳозирги вақтда бу тушунча жуда кенг миқёсда талқин қилинмоқда. Инновация сўзи аслида инглизча “инновацион” сўзидан олинган бўлиб “янгилик киритиш” деган маънони билдирган ҳолда тизим ички тузилишини ўзгартириш дея таърифланади. Демак, инновация шундай бир тизимки, бу тизим орқали янгилик киритишимиз, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун янги технологиялар жалб қилишимиз ва биз ишлаётган тизимни янгиллашимиз мумкин. Агарда, биз “инновацион иқтисодиёт ва ёшлар” деган жумлага эътибор қаратадиган бўлсак, бу иккала жумла бир-бири билан монанд эканлигини пайқашимиз мумкин. Чунки, мамлакатнинг келажаги ёшлар қўлидадир. Агарда ёшларимиз ўз билим салоҳиятларини тинмай изланишлар орқали юксалтириб борсалар албатта, биз янгиликлар яратишимиз, янги инновацион технологияларни жорий этишимиз ва юксак марралар сари олға силжиб боришимиз мумкин бўлади. Бу инновацион ғояларни амалга оширишда ёшлар олдида турган долзарб мавзуларни алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳар бир ёш авлод: хох у талаба бўлсин, хох у оддий ўқувчи

бўлсин ўзи қизиққан йўналишни танлаб, бу йўналишни сир-асрорларини мукаммал ўргансагина унинг меваси келажакда албатта, ўз ифодасини топади ва керак бўлса юқори чўққилар сари етаклайди. Бу орқали биз нафақат ўзимизни, балким давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ҳам юксалтириш мумкин. Инновацион иқтисодиёт ва ёшлар мавзуси ҳозирги вақтда энг муҳим ва энг кўп талқин қилинадиган мавзулардан саналади. Чунки, ёшларимиз билим салоҳиятини ошириш бу инновацион иқтисодиётнинг юксалиши демакдир. Шу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, ёшларимиз билим салоҳиятини ошириш мақсадида таълим тизимида ҳам янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Бу технологиялар орқали биз ёшларимиз билимини бойитишимиз, янги имкониятларга эришишлари учун замин яратишимиз, кенг имкониятлар очиб беришимиз ва мамлакатимиздаги ҳар қандай соҳа ривожини учун яна бир муҳим қадам қўйиш учун асос яратишимиз мумкин. Бунга ёрқин мисол тариқасида шуни келтиришимиз мумкинки, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида таълим тизимида катта эътибор қаратилади ва бу ҳолат эса ХХІ асрда давлатларнинг иқтисодий ўсиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини интеллектуаллаштириш ва илмий-инновацион тараққиёт билан таъминлайди. Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 70 %дан 85 %гача янги технология, асбоб-ускуна, янги билим ёки ечимларга эга бўлган маҳсулотлар улушига тўғри келади. Бу эса мамлакат ҳаётидаги инновацион иқтисодиёт ва ёшларнинг нақадар муҳимлигини белгилаб беради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ушбу соҳани ривожлантиришга, айниқса, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг ушбу йўналишга доир қатор қарорлари, жумладан, 2008 йил 15 июлда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар йили республика инновация ярмаркалари ўтказиб келинмоқда[1]. Республикаимизнинг 18 йирик корхонасида инновацион марказлар, модернизация ва инновацион фаолият жамғармалари ташкил этилди. Улар томонидан қиймати 8,55 миллиард сўмлик 242 та лойиҳа маблағ билан таъминланди. Ҳар йили миллий иқтисодиётимиз тармоқлари ва ижтимоий соҳани кўплаб йўналишларда ривожлантириш бўйича давлат илмий-техник дастурлари амалга оширилмоқда. Инновациялар ярмаркаси илм-фанга қўшимча инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларидан ҳисобланади. Бу ярмаркада энг истиқболли янгиликларни намойиш қилиш ва уларни харид қилиш ҳамда кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш учун

барча шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга буюртмалар асосида яратилаётган бўлғуси илмий ишланмаларни молиялаш тўғрисида шартномалар тузилмоқда. Бу ярмаркалар орқали биз инновацион лойиҳаларимизни оммага ҳавола этишимиз ва уни керакли жойда фойдалана олишимиз имконини беради. Шу аснода билиб олишимиз мумкинки, бундай ярмаркалар орқали янгидан-янги технологияларни ишлаб чиқишимиз билан бир қаторда янги ишлаб чиқариш объектларини яратиб, турли-хил ишчи ўринларини яратиб республикамиз аҳолисининг иш билан банд қисми миқдорини ошириш орқали республикамиз иқтисодиёти учун сезиларли хисса қўшган бўламиз. Айтиш жоизки, республикамизда инновацион соҳалар ва шу каби йўналишлар учун алоҳида имтиёзлар жорий этилган. Масалан, инновацион лойиҳалар билан шуғулланаётган илмий муассасаларга солиқ имтиёзлар тақдим этилган, шуниси ҳам муҳимки, бундай мақсадларга йўналтирилган маблағлар ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча тўловлардан озод этилган. Агарда илгари илмий ташкилотлар давлат илмий-техник топшириқларни бажариш доирасидагина преференцияларга эга бўлиб, хўжалик шартномалари асосидаги ишларга бу имтиёзлар қўлланилмаган бўлса, янги низомга мувофиқ корxonалар буюртмасига кўра хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотлар олиб борадиган муассасалар ҳам маълум 5 йил муддатга солиқлардан озод қилинган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро молия институтлари томонидан жаҳон иқтисодий инқирози шароитида том маънодаги юқори натижа деб эътироф этилди. Юртбошимиз томонидан нафақат глобал иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, балки миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини янада оширишда муҳим устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бундай изчил ривожланишнинг муҳим омилларидан бирига айланди[2].

Юқорида қайд этилган имтиёзлар орқали инновацион лойиҳалар ва бу лойиҳаларда ёшларнинг иштироки юқори марралар сари илдамламоқда. Мисол тариқасида биз республикамизда 2013-йилда ўтказилган инновацион ярмаркасини кўрсатишимиз мумкин. Бу ярмаркада жами 527 та ноёб маҳаллий инновацион ишланмалар тақдим этилган бўлиб, уларнинг 353 таси янги, олдинги ярмаркаларда намоиш этилмаган; - 74 таси олий ўқув юртлари талабаларига ва «Келажак овози» республика танлови ғолибларига тегишлидир. Намоиш этилган ишланмалар ва лойиҳалар сўнгги йилларда 100 дан ортиқ илмий, таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тажриба-конструкторлик ташкилотлари, Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналари, айрим кашфиётчи ва тадбиркорлар томонидан яратилган. Энг кўп лойиҳалар қуйидаги 5 та мавзу йўналишлари бўйича тақдим этилди: саноат – 136 та экспонат, қишлоқ хўжалиги – 95 та, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш – 78 та, ахборот технологиялари – 31 та, таълим ва фан – 13 та. Ярмаркага 660 дан зиёд ташкилотлар (вазирлик, идора, корхона ва бошқалар)нинг 10800 га яқин вакиллари, шунингдек вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлари ва фермерлари, Тошкент шаҳар таълим муассалари ўқитувчи ва талабалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги илмий муассасалари ходимлари ташриф буюришди.

Ярмаркада жами 17,19 млрд. сўм ҳажмида 413 та шартнома имзоланди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 11 та илмий муассасалари инновацион маҳсулот истеъмолчилари билан 7,1 млрд. сўмга яқин 136 та хўжалик шартномаларини имзоладилар. Бу каби кўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб бормоқда ва шу йиллар мобайнида (2008-2014), амалда тадбиқ этилган инновациялар ўз самарасини мамлакатимиз иқтисодиётига улкан ҳисса қўшиш орқали кўрсатмоқда.



1-расм. 2013-йилда ўтказилган инновацион ярмаркада, 5 та мавзу йўналишлари бўйича лойиҳалар миқдори.

Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

Инновацион лойиҳаларга бағишланган ярмаркалар туфайли Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги бошқа институтларнинг шериклари сони ҳам кўпаймоқда. Бугун инновация ишланмалари саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика соҳасида кенг қўлланилаётган Полимерлар кимёси ва физикаси

институти ҳам шулар жумласидандир. Яқин вақт ичида биоорганик кимё ва ўсимлик моддалари кимёси академия институтларида яратилган маҳаллий хомашёлардан янги доривор препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши ҳисобидан фармацевтика соҳаси корхоналари тури анча кўпаяди[3].

Мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга қаратилаётган юксак эътибор туфайли инновацион ярмаркаларда ҳам турли хилдаги кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган арзон, сифатли, тежамкор ва албатта самарали хизмат кўрсатадиган янгидан янги технологиялар тақдим этилмоқда. Биз биламизки иқтисодиётда тайёр хом ашёни сотишдан кўра уни қайта ишлаб чиқариш маълум бир товар шаклида сотиладиган бўлса бу катта миқдордаги даромад олишга асос бўла олади. Шу сабабли ярмаркада турли йўналишлар – наноматериаллардан фойдаланишга асосланган юқори технологик ишланмалардан то, хом ашёни юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айлантиришгача қайта ишлайдиган, ўзига хос ва қўллаш осон бўлган қурилмалар намоёиш этилмоқда. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётимизни янада жадалроқ ривожлантириш учун амалга оширилмоқда[4].

Биз юқорида таъкидлаб ўтган мисоллардан, инновацион иқтисодиётнинг давлат миқёсидаги аҳамияти қанчалик юқорилиги ва ёшларимизнинг ушбу соҳадаги ўрни муҳимлигини билиб олишимиз мумкин. Ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари эришиб бораётган ютуқлари кундан-кунга ортиб бормоқда ва улар бундан буён ҳам юқори марралар сари ҳаракат қилиб юксак чўққиларни забт этишлари шубҳасиздир. Бунинг учун ёшларимиз тинимсиз изланишлар қилган ҳолда юртимиз шарафини кўкларга кўтаришлари ва унинг истиқболи учун ҳаракат қилишлари зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги: <http://uza.uz/uz/business/innovation-iqtisodiyot-rivojiga-qoshilgan-ulkan-hissa-15.04.2011>.

Антонец В.А., Нечаева Н.В., Хомкин К.А., Шведова В.В. Иновационный бизнес: уч.пособие. М.: Издательство “Дело” РАНХИГС, 2011-320 б.

2. К.В. Балдин. Инвестиции: системный анализ и управление: М.Издательство-корпорация “Дашков и К”, 2012-288 с.

3. Балдин К.В. Инвестиции в иновации. Учеб. Пособие – М.: 2011-238с.

4. www. Эду.уз.